

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



# Vaziyat

2023 йил  
20 апрель  
№ 16 (905)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

## ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ



Мажлис видео-конференцалоқа шаклида ташкил қилиниб, унда вазирлик раҳбарияти, Марказий аппарат бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлим ва хизмат(марказ)лари, ҳудудий ФВБлар ҳамда таркибий тузилмалар бошлиқлари иштирок этдилар.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Марказий аппарати мажлислар залида 2023 йил 1-чорак якунларига бағишланган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.



Тадбирни Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Вазир ўз сўзида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастури ижроси ҳамда вазирлик томонидан 2023 йил 1-чораги давомида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирлар юзасидан маъруза қилди. Эришилган ютуқлар билан бирга қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги, уларни ўз вақтида ва самарали бартараф этиш лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг мажлис кун тартибига мувофиқ вазирлик тизими масъул раҳбарларининг республика ҳудудидаги ёзги болалар оромгоҳла-

рини мавсумга тайёрлаш, фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнгинлардан муҳофаза қилиш, вазирлик тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, шунингдек, жиноятчилик ва қонун бузилиши ҳолатлари, уларнинг олдини олишда юзага келаётган муаммолар ва ечимини топмаётган масалаларга оид маърузалари тингланди.

Маърузалар давомида вазирликнинг ҳисобот давридаги фаолияти таҳлил қилиниб, қайд этилган камчиликларни бартараф этиш бўйича масъул раҳбарларга қатъий топшириқлар берилди.

Йиғилиш якунида келгусидаги устувор вазифалар ва уларни бажаришга оид чора-тадбирлар хусусида ўзаро келишиб олинди.

Баҳодир ВАЛИЕВ,  
"Vaziyat" мухбири.



## ВАТАНГА ҚАСАМЁД

Ўзбекистон ҳудудларида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сафларида хизмат қилишга чақирилган аскарларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Нукус шаҳрида ташкил этилган

ана шундай тадбирлардан бирида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси генерал-лейтенант Т.А.Худайбергенов иштирок этди.

ФВВ Матбуот хизмати.

## ФВВ БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАНДИ



Аввал хабар берганимиздек, Бухоро вилоятида ёнгин-қутқарув спорти бўйича Ўзбекистон Республикаси ФВВ биринчилиги ўз якунига етди.

Матонат ва шижоатга бой тарзда ўтган қизгин беллашувларда белгиланган йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Барча турлар якуни бўйича эса умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Бухоро вилояти, 2-ўринни Тошкент вилояти, 3-ўринни Қашқадарё вилояти ФВВ жамоалари қўлга киритдилар.

Ғолиб ва совриндорлар мутасаддилар томонидан мусобақа кубоги, медаль, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ФВВ Матбуот хизмати.



## ТАНЛОВ

**Т**ошкент ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Оҳангарон туманидаги 25-умумтаълим мактабининг 6-, 7- ва 8-синфларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар ўртасида “Ёш математик” ва “Инглиз тили билимдони” танловлари ўтказилди.



Танлов кўтаринки руҳда бўлиб, синов натижалари ҳолисона баҳоланди ва ҳар бир йўналиш учун 1-, 2- ва 3-ўринлар ғолиблари аниқланди. Уларга Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси А.Қурбо-

нов томонидан ҳарбий прокурор ташаккурномаси, бадиий китоблар тўплами, қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Алишер ҚУРБОНОВ,**  
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси.

## ТУБСИЗ ЖАРЛИК

Сўнги йиллардаги кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ёш йигит-қизлар сингари 50–60 ёшли фуқароларимизнинг “қора дори”га аралашиб қолаётганлиги ниҳоятда ачинарли. Судланувчиларнинг аксарияти бу қилмиш учун қонунда оғир жазо белгиланганлигини билишган. Аммо пул, дея қора ишга қўл уришмоқда. Асли, Сурхондарё вилоятида туғилган С.С. муқаддам қинғир ишга қўл урганлиги учун иши судда кўрилган. Бироқ у тегишли хулоса чиқармади.

Гап шундаки, олинган тезкор маълумотга асосан, Яккасарой туман ИИО ФМБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда С.С. ушланади. Уни ҳолислар иштирокида шахсий тинтув қилишганда ёнида бир дона полиэтилен пакетга ўралган тўқ жигар рангли, ўткир ҳидли модда аниқланган.

Экспертиза хулосасига кўра, С.С.дан олинган пакет ичидаги модда “гашиш” бўлиб, умумий оғирлиги 0,99 граммга тенглиги аниқланган.

Эртаси куни тадбир давом эттирилиб, С.С.нинг яшаш жойи – Бектемир тумани Шоликор кўчасидаги уй ҳолислар иштирокида тинтув қилинган. Уйда келгусида сотиш мақсадида сақланаётган тоқчада турган 4 дона ва шкаф ичидан 3 дона целофан пакетга ўралган тўқ жигар рангли, ўткир ҳидли моддалар ашёвий далил сифатида олинган. Экспертиза бу моддаларнинг ҳам “гашиш” эканлиги ҳақида хулоса берган.

– Бир неча йиллардан бери “қора дори”дан чекаман. Деярли ҳар куни чекишга ўрганиб қолганман, – дея судда кўрсатма берди судланувчи С.С. – Ўтган йилнинг охирларида Денов туманида яшовчи номаълум шахсдан бир дона пакетга ўралган 45 гарамм бўлган “гашиш”ни 5.000.000 сўмга сотиб олганман. Уни фақат ўзим истеъмол қилишим учун олганман. Бирон кишига сотмоқчи бўлмаганман. Қилган ишимдан пуншаймонман. Бошқа бундай ҳолатлар такрорланмади. Иложи бўлса, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо беришларингизни илтимос қиламан.

Суд С.С. жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2018 йил 13 апрелда тайинланган жазонинг ўталмай қолган муддатида янги жиноятни содир этганлигини эътиборга олди. Унга узил-кесил ўташ учун 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланди.

50 ёшли МЧЖ директорининг қилмишини кечириб бўлмайди. У ёшларга ўрнак бўлиш ўрнига “қора дори”га муккасидан кетганлиги оқибатида, бугун жазо муддатини ўтамоқда. Унинг қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

**Ҳусанбой ПАРПИЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси.

Наманган ҳарбий прокуратураси томонидан Наманган вилояти Миллий гвардия Қўриқлаш бошқармаси шахсий таркиби иштирокида оммавий сайёр қабул ўтказилди.

## САЙЁР ҚАБУЛ

Миллий гвардия қўриқлаш бўлимлари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари иштирок этган ушбу тадбир давомида имтиёзли кредит, уй-жойга эга бўлиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда коммунал масалалардаги муурожаатлар кўриб чиқилди.

Шунингдек, иштирокчилар билан сўнги вақтларда кузатилаётган жиноятлар сабаблари, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан тарғибот тадбири ўтказилди.

**Қурбондурди ПОЛВОННАЗИРОВ,**  
Наманган ҳарбий прокурори ёрдамчиси,  
адлия капитани.



## ПРОФИЛАКТИК ТАДБИР

**Ў**збекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ходимлари томонидан пайшанба – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида ҳарбий қисм ва муассасаларга шахсий таркиб билан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан мунтазам равишда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.



Жумладан, ФВВ ҳарбий хизматчилари, хизматчилари иштирокида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бағишланган профилактик тадбир ташкил этилди. Шунингдек, ФВВ Муҳандислик муҳофаза ва қурилиш-тиклаш ишлари бош бошқармаси Махсус муҳандислик – қурилиш бошқармаси шахсий таркиби ва муддатли ҳарбий хизматчилар билан давра суҳбати уюштирилди.

“Умумҳарбий низом талабларига риоя қилиш” ва “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар” мавзуларида бўлиб ўтган суҳбат давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

**Қудрат ЭРГАШЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори, адлия майори.

## ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНДИ

2023 йил 11 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонунда оилавий зўравонлик учун жавобгарлик белгиланди.

Ушбу қонун билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, 18 ёшга тўлмаган шахсларни, яқин қариндош, собиқ хотин, бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахс ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик учун жавобгарлик белгиланди. Мазкур жиноят 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Оилавий (маиший) зўравонлик учун жавобгарлик киритилди. Унга кўра, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғорда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга шахсга нисбатан:

– мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш;

– мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш;

– уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиш қўйиш, мазкур ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, БҲМнинг 20 бараваридан 30 бараваригача жарима ёки 160 соатдан 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Юқоридаги шахсларни дўппослаш, тан жароҳати етказиш етказилган жароҳатдан келиб чиққан ҳолда оғирлаштирувчи ҳолатларни келтириб чиқарса, хусусан:

соғлиқнинг узоқ вақт (камида 21 кун, аммо 4 ойдан кўп бўлмаган даврда) ёмонлашуви ёки умумий меҳнат қобилиятининг 10 фоизидан 33 фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш содир

этилса, 2 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Вояга етмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Жумладан:

16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик учун – 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш;

16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш – 2 йилдан 4 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Шунингдек, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Мазкур жиноят оғирлаштирувчи ҳолатларда 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Умид МИРЗАЕВ,**  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари.

## ДАВРА СУХБАТИ



Гулистон тумани ФВ бўлими шахсий таркиби билан туман депутатлари ва фаоллари янгиланаётган конституциянинг аҳамияти тўғрисида

давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда сўз олганлар юртимизда бўлаётган кўплаб ижобий ислохотларни эътироф этиб, бу ўзгаришлар фақат

бугун эмас, келажакда ҳам давом этиши учун уларнинг ҳуқуқий асослари Конституциявий даражада мустаҳкамланиши, унинг тўғридан-тўғри ишлаши бўйича аниқ механизмлар ҳам ишлаб чиқилганлигини таъкидлашди.

Бундан ташқари, шахсий таркиб ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича ҳам фикрлар алмашинди.

**Давронбек СУЛАЙМОНОВ,**  
Сирдарё вилояти ФВ  
ахборот хизмати бошлиғи,  
катта лейтенант.

**Азамат ҚУРБОНОВ,**  
Гулистон тумани ФВ  
бўлими бошлиғи  
ўринбосари, майор.

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

ФВВ Академиясида “Таълим сифатини ошириш — етук мутахассислар тайёрлаш омили” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.



Унда ЎзМУ таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Шуҳрат Лақаев, Низомий номидаги ТДПУ кафедра мудирини, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Равшан Бердиқулов, Жамоат хавфсизлиги университети Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи ўринбосари подполковник Рустамжон Ҳодиев, шунингдек, ФВВ Академияси профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилар, курсантлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Академия бошлиғининг биринчи ўринбосари в.в.б. подполковник Фурқат Назаров томонидан Янги Ўзбекистонда таълим сифатини оширишда мавжуд муаммолар ва уларнинг замонавий ечимлари, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан Учинчи Ренессансни яратиш, бу жараёнда соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича янги тизим шаклланиши, таълим соҳасида жаҳон таълим стандартларига фаол интеграциялашувни таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг таълим сифатини ошириш ва инновацион ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Анжуманда сўзга чиққанлар томонидан янги Ўзбекистонда таълим жараёнини сифат жиҳатдан мукамаллаштириш ишлари тизимли амалга оширилаётгани, таълим жараёнига республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилганлиги, бундан ташқари, олий таълим муассасаларининг асосий фаолиятини автоматлаштириш ҳисобига маъмурий ходимлар, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга электрон таълим хизматларини тақдим этиш мақсадида, “Nemis” ахборот тизими жорий этилганини эътироф этишди.

Анжуман якунида маърузачилар томонидан иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоблар берилди.

**Барно ҲОЖИЕВА,**  
ФВВ Академияси бўлим бошлиғи  
ўринбосари, подполковник.

**Яшнар ҒУЛОМОВ,**  
ЎЖТваМБ катта офицери, майор.

## UCHRASHUV



Farg'ona viloyati FVBda tashkil etilgan uch avlod uchrashuvida Farg'ona harbiy prokurori adliya polkovnigi Sh.Saidov, O'zbekiston yoshlar ittifoqi viloyat Kengashi raisi Sh.O'ktamov, Farg'ona shahar adliya bo'limi boshlig'i B.Tohirjonov, viloyat Nuroniylar jamg'armasi bosh mutaxassisi Yorbek Tilavoldiyev hamda FVB tizimida xizmat qilib kelayotgan 35 yoshgacha bo'lgan yoshlar, Farg'ona "Temurbeklar maktabi" HAL 1-bosqich kursantlari va shahar 17-umumta'lim maktabi o'quvchilari, yosh qutqaruvchilar jamoasi ishtirok etdi.

Tadbirda mamlakatimiz rahbarining Yoshlarga oid besh tashabbusiga binoan, ularni vatanparvarlik, bag'rikenglik, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash, ma'naviy, axloqiy va madaniy kamol toptirishga ko'maklashish, ulg'ayib borayotgan yoshlarni kasbga yo'naltirish, Vatanga sadoqatli, fidoyi yoshlar etib tarbiyalash, kelgusida o'ylagan yuksak marralariga erishishlari uchun yaratilayotgan sharoitlar xususida fikr yuritildi. Yoshlarni qiziqtirgan savollarga javoblar berildi.

**Ahliddin ALIJONOV,**  
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQG  
boshlig'i, katta leytenant.

## KELAJAGING UCHUN OVOZ BER!

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi boshlang'ich tayyorgarlik bo'yicha tinglovchilar ishtirokida “O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy qonuni loyihasi bo'yicha referendumga tayyorgarlik ko'rish, o'tkazish va kelgusida shaxsiy tarkib orasida xizmat intizomi va qonun buzilishi holatlarining oldini olish masalasida seminar mashg'uloti tashkil qilindi.

Tadbirda O'zbekiston Milliy tikanlash demokratik partiyasi Samarqand viloyati kengashi raisining birinchi o'rinbosari Yolqin Oqbo'tayev va bo'lim boshlig'i Ozoda Norimovalar ishtirok etdilar. Partiya faollari

tomonidan “O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy qonuni loyihasining mazmun va mohiyati tushuntirildi. Xususan, Y.Oqbo'tayev Konstitutsiyaviy qonun

loyihasi, kiritilayotgan o'zgarishlar, Bosh Qomusimizning tom ma'noda xalq Konstitutsiyasiga aylanayotganligi, fuqarolarimizning Yangi O'zbekistonni qurish g'oyasi atrofida birlashganidan darak berayotganligini aytib o'tdi.

Ozoda Norimova o'z so'zida so'nggi 6 yilda barcha sohalarda muhim o'zgarishlar amalga oshirilib, xalq davlat idoralariга emas, balki davlat idoralari xalqimizga xizmat qila boshlaganligi, inson qadrini ulug'lash, huquq va manfaatlarini himoya qilishda alohida e'tibor berilayotganligini aytdi.

Tadbir yakunida ishtirokchilarning barcha savollariga javob berildi.

**V.BEKMUHAMEDOV,**  
FVV Akademiyasi  
huzuridagi BT va MOM  
boshlig'i o'rinbosari,  
podpolkovnik.  
**V.AMONILLOYEV,**  
markaz bo'linma ofitseri,  
katta leytenant.

## INSON ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Боғот тумани ФВ бўлими томонидан “Great cotton export” МЧЖга қарашли тўқимачилик фабрикаси ишчи-хизматчилари ҳамда “House construct” МЧЖ томонидан янги қурилаётган кўп қаватли турар жойлар қурувчилари иштирокида “Конституция — менинг тақдиримда” мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида янгиланаётган Бош Қомусимизнинг инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият ва юрт тараққиётидаги ўрни ҳамда роли ҳақида ахборотлар берилди ва йиғилганларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Учрашувда тумanning ҳар бир фуқароси ўз келажига бефарқ бўлмасдан, референдумда фаол иштирок этиши лозимлиги тунтирилди.

**Дилмурод НУРМЕТОВ,**  
Боғот тумани ФВ  
бўлими бўлинма  
бошлиғи, капитан.



## TOSHQINGA QARSHI

Qashqadaryo viloyati FVB tomonidan mavsumiy ofatlar-ning oldini olish borasida joylarda muhandislik-himoya tadbirlari davom ettirilmoqda.



Ayni kunlarda Qamashi va Chiroqchi tumanlarida Toshqinga qarshi viloyat komissiyasi tomonidan zarur choratadbirlar belgilanib, Chiroqchi tumani "Do'stlik diyori" MFY Kanalobod qishlog'i hududidan o'tuvchi sel yo'lida 1200 km.dan oshiq masofada kengaytirish, tozalash va mustahkamlash ishlari amalga oshirilmoqda.

Sel yo'llarini mustahkamlash natijasida hududdagi 161-sonli maktab va 37 ta aholi yashash xonadonlari va 3 ta dala ekin maydonlarini sel suvlaridan himoya qilishga erishildi.

Shuningdek, Qamashi tumanining "Chim" va "Uzun" mahallalari hududidan oqib o'tuvchi Qashqadaryo qirg'oqlarini mustahkamlash va o'zan tozalash bo'yicha tuman FVDT xizmatlari hamkorligida maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

**Navro'z ASADOV,**  
Chiroqchi tumani FV bo'limi boshlig'i  
o'rinbosari, katta leytenant.

## MINI-FUTBOL

Surxondaryo viloyati FVB harbiy xizmatchi va xizmatchilari o'rtasida sportning mini-futbol turi bo'yicha musobaqa tashkil etildi.



Musobaqa ko'tarinki ruhda o'tib, unda 20 ta jamoa qatnashdi.

Bahslar yakuniga ko'ra, 1-o'rin Termiz shahar FV bo'limi, 2-o'rin Denov tumani 9-yong'in-qutqaruv qismi jamoasiga, 3-o'rin Denov tumani 8-yong'in-qutqaruv qismi jamoalariga nasib etdi.

G'oliblar faxriy yorliq va qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlandilar.

**J.JO'RAEV,**  
Surxondaryo viloyati FVB JT va OAVBHQQ  
boshlig'i, kapitan.

## MASHQ VA MALAKA

Forish tumanida "Aholi o'rtasida Qrim-Kongo gemorragik isitma kasalligi tarqalishining oldini olishda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari" mavzusida ko'rgazmali maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

Ikki bosqichda tashkil etilgan mazkur tadbirning birinchi bosqichida tuman madaniyat bo'limida viloyat FVB, Sog'liqni saqlash, Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi, Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish boshqarmalari, viloyatdagi chorvachilik fermerlari raislari, viloyat yuqumli kasalliklar shifoxonasi mutaxassslarining Qrim-Kongo gemorragik isitma kasalligining oldini olishda muhofazalanish qoidalari, kasallik belgilari, tashxisi, davolash usullari, kasallik aniqlanganda tegishli idoralarga axborot yetkazish va boshqa masalalar yuzasidan ma'ruzalari tinglandi.

O'quv mashqining ikkinchi bosqichida kuchvositalarning saf ko'rigi bo'lib, ko'rik davomida maxsus anjomlarning sozligi qayta tekshiruvdan o'tkazildi.

Shundan so'ng o'quv mashqi rejasiga ko'ra, amaliy harakatlar bajarildi.

Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish boshqarmasi tomonidan aholi xonadonlaridagi uy hayvonlarini Qrim-Kongo gemorragik isitmasi kasalligiga qarshi emlash jarayonlari ko'rsatilib, xonadon egalari chorva mollarini to'g'ri saqlash qoidalari haqida tushuntirish ishlari o'tkazildi.

**B.MIRZAQOBILOV,**  
Jizzax viloyati FVB bo'lim boshlig'i, mayor.

**D.XUDOYBERDIEV,**  
Mirzacho'l tumani FV bo'limi boshlig'i,  
mayor.

Жиззах вилояти ФВБ, вилоят ҳокимлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Жиззах шаҳар ФВ бўлими ўйингоҳида ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Унда шаҳар ва туман ФВ бўлимлари ёнғин-қутқарув қисмларида хизмат қилаётган ходимлардан иборат 18 та жамоа иштирок этди. Беллашувлар қизғин ва мурасасиз кечди.

## ШИЖОАТ БАҲСИ



Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида бошқарма ўрмон ёнғинларини бартараф этишга ихтисослаштирилган ёнғин-қутқарув отряди вакиллари ғолибликни қўлга киритди. Жиззах шаҳар ФВ бўлими ҳамда бошқарма ёнғин-қутқарув отряди терма жамоаларига мос равишда иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Шунингдек, йўналишлар бўйича яқкалик баҳслар ғолиблари ҳам аниқланди.

Ғолиблар бошқарма бошлиғининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**Ақбар СУЛТОНОВ,**  
Жиззах вилояти ФВБ бўлим бошлиғи,  
подполковник.

Самарқанд вилояти ФВБ ҳарбий хизматчи ва хизматчилари ўртасида ёнғин ўчириш амалий спорт тури бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мусобақада бошқарма қўйи тизимидан 18 та жамоа, 150 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи ва хизматчилар иштирок этди.

Мусобақанинг ҳарбий хизматчилар ўртасидаги баҳсларида умумжамоа ҳисобида 3-ўринни 6-ёнғин-қутқарув қисми, 2-ўринни махсус ихтисослаштирилган ёнғин-қутқарув отряди жамоаси қўлга киритган бўлса, 1-ёнғин-қутқарув қисми жамоаси мусобақанинг мутлақ ғолибига айланиб, 1-ўринни эгаллади.

Шунингдек, хизматчилар ўртасидаги баҳсларда умумжамоа ҳисобида Самарқанд тумани жамоаси 3-ўринни қўлга киритган бўлса, 2-ўрин Нарпай тумани жамоасига насиб этди. Мусобақадаги тиришқоқлиги ва тезкорлиги билан ажралиб турган ҳамда юқори натижаларни кўрсата олган Каттақўрғон шаҳар Ингичка қўрғони жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Баҳриддин МУСУРМОНҚУЛОВ,**  
Самарқанд вилояти ФВБ бўлим бошлиғи,  
подполковник.



## МАҲОРАТ СИНОВИ

Наманган вилоятининг Чортоқ, Уйчи ва Учқўрғон туманларида "Бошқарув органлари, ФВДТ ҳудудий ва қўйи тизимлари куч ва воситаларининг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатлари" мавзусида ҳамкорликдаги қўмондонлик-штаб ўқув машқи бўлиб ўтди.

Ўқув машқи давомида "Маҳалла фуқаро муҳофазаси" куч-воситаларининг фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ФВДТ таркибидаги ҳаракатлари" мавзусида маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда 35 дан ортиқ махсус-тактик ўқув машқлари ҳамда ўқув муассасаларида 10 дан ортиқ фуқаро муҳофазаси тadbirlari ўтказилди.

Шу билан бирга, Уйчи тумани "Оқтош" МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи Чортоқ сойида ўзан тозалаш, Учқўрғон тумани "Боғ" МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи Норин дарёсининг 200 метр қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди.

**Д.АБДУРАҲМОНОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ бошлиғи ўринбосари, подполковник.

## ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК

ФВВ Академиясининг профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида, округ йўриқчи-мутахассислари билан ҳамкорликда Академиянинг 1-босқич курсантлари билан Тошкент ҳарбий округи дала майдонида “Аскарнинг жангдаги ҳаракатлари” ва “Турли жанговар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам” мавзуларида жанговар тайёргарлик машғулоти бўлиб ўтди.

Машғулотлар давомида қўл қуролларида ўқитиш, аскарнинг жангдаги ҳаракати, командир қутиси (КЯ) ёрдамида автоматдан



мўлжалга олиш, истеҳкомда туриб, ўқув қўл гранатасини улоқтириш, заҳарланган ҳудудда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, яраланганларни жангдан олиб чиқиш каби ҳаракатлар амалий тарзда бажарилди.

Профессор-ўқитувчилар ва йўриқчи-мутахассислар курсантларга ҳар бир ташкиллик

рилган ўқув нуқталарида қуроллари ҳамда бажариладиган меъёрлар тўғрисида батафсил тушунчалар бериб бердилар. Курсантлар назарий билимларини амалда мустаҳкамладилар.

**А. ЭРГАШЕВ,**  
ФВВ Академияси катта ўқитувчиси, доцент.



## АМАЛДА КЎРИЛДИ

Сурхондарё вилояти ФВВ ходимлари ҳамда мутасадди ташкилотлар билан биргаликда Сариосиё чегара-божхона постида “Санкцияланмаган ионлаштирувчи нурланиш манбаси топилиши билан боғлиқ фавқулодда вазият содир бўлганда

ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

**Ж.ЖЎРАЕВ,**  
Сурхондарё вилояти ФВВ ЖТ ва ОАВБХҚГ бошлиғи, капитан.

## КОРЕЯЛИК ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА



Андижон давлат тиббиёт институти ва Жанубий Корея Республикаси Корея миллий транспорт университети ўқитувчи ва талабалари иштирокида “СРСР ва Geumlix усуллари” мавзусида симуляцион мастер-класс ва семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар давомида юрак тўхташи билан хушсиз ётган беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича “Geumlix усули”ни амалга ошириш босқичлари видеоларга орқали кўрсатиб берилди. Корея миллий транспорт университети талабалари шахсий таркиб билан биргаликда амалий тарзда ушбу усулни синаб кўрдилар.

Семинар якунида “СРСР ва Geumlix усули” бўйича биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этган шахсий таркибга Андижон давлат тиббиёт институти ва Жанубий Корея Республикаси Корея миллий транспорт университетининг сертификатлари топширилди.

**Илёсбек АЗИЗОВ,**  
Андижон шаҳар ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi va vazirlik tizimidan nafaqaga chiqqan faxriylar – podpolkovnik U.G'afforov hamda Mirzo Ulug'bek tumani 343-umumta'lim maktabi o'quvchilari ishtirokida “Uch avlod uchrashuvi” tadbiri bo'lib o'tdi.

## UCH AVLOD UCHRASHUVI

Tadbir davomida faxriylar mashaqqatli va sharafli faoliyat to'g'risida so'z yuritib, hozirda harbiy xizmatchilarga yaratilayotgan shart-sharoitlar haqida qisqacha ma'lumot berdilar.

Uchrashuv so'nggida FVV Akademiyasi huzuridagi FMI Simulyatsiya markaziga tashrif tashkil etilib, u yerda respublikamiz hududida ziilzila va tabiiy ofatlar yuz berganda qanday harakat qilish to'g'risida amaliy mashg'ulotlar olib borildi.

**I.KAJANOV,**  
FVV MMQB OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik, oddiy askar.



## “SPARK” OLIB CHIQLDI

Toshkent viloyati O'rtachirchiq tumani FV bo'limiga “Chevrolet Spark” transport vositasi haydovchisi boshqaruvni yo'qotib, “Qorasuv” mahallasi Temirchi ko'chasidan oqib o'tuvchi zovurga tushib ketgani haqida xabar kelib tushdi. Voqea joyiga bo'limning tezkor qidiruv-qutqaruv otryadi zudlik bilan yetib borib, avtoulovni maxsus texnikalar yordamida zovurdan

olib chiqdi. Hodisa oqibatida halok bolganlar va tan jarohati olganlar yo'q.

**SH.O'ZGANOV,**  
O'rtachirchiq tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, katta leytenant.

**A.ZOKIROV,**  
bo'linma inspektori, katta serjant.

## ЎҚУВ ЙИҒИНИ



Тошкент вилояти ФВВ томонидан Чирчиқ ёнғин-қутқарув отрядида 7 кунлик ўқув йиғини ташкил этилди.

Унда ҳарбий хизматчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг малакаси ҳамда касбий маҳоратини янада ошириб бориш ва жисмоний тайёргарлигига катта эътибор қаратилди.

Дарс жараёнларига ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтидан тажрибали офицерлар, профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, мазмунли машғулотлар ташкил этилмоқда.

**Жаҳонгир АБДУҚАЮМОВ,**  
Ихтисослашган кўп тармоқли бошқарма ОЁХТТЭБ ўринбосари, подполковник.  
**Рўзиматжон ХАЛИЛОВ,**  
бошқарма инспектори, лейтенант.

## BELLASHUV

Farg'ona viloyati FVB hamda uning quyi tizimlari o'rtasida yong'in o'chirish amaliy sport turi bo'yicha viloyat birinchiligi o'tkazildi.

Farg'ona harbiy prokuraturasi bilan hamkorlikda o'tgan ushbu bellashuvda jami 28 ta yong'in-qutqaruv qismi qatnashdi.

Musobaqa yakuniy natijalariga ko'ra, FNQIZ MCHJ FVB 25-YQQ terma jamoasi 1-o'rinni, “FNQIZ” MCHJ FVB 26-YQQ terma jamoasi 2-o'rinni hamda Marg'ilon shahar FV bo'limi 7-YQQ terma jamoasi 3-o'rinni egalladi.

“Eng yaxshi terma jamoa” nominatsiyasi Qo'qon shahar FV bo'limi 5-yong'in-qutqaruv qismiga nasib etdi.

G'oliblikni qo'lga kiritgan jamoalarga esdalik sovg'alari va faxriy yorliqlar topshirildi.

**Ahliddin ALIJONOV,**  
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, katta leytenant.

## PROFILAKTIKA

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi, Toshkent harbiy prokurori katta yordamchisi adliya podpolkovnigi I.Fayzullayev, vazirlik Shaxsiy xavfsizlik boshqarmasi bosh inspektori adliya mayori Sh.Karimov va Toshkent harbiy garnizoni HAN inspeksiyasi vakili podpolkovnik O.Yuldashevlar ishtirokida "Harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi jinoyatlar", "Korrupsiya – taraqqiyot kushandasi" va "Yo'l qoidasi – umr foydasi" mavzularida profilaktik tadbir tashkil etildi.

Yig'ilish davomida harbiy xizmatchilar o'rtasida ham pora bilan bog'liq holatlar kuzatilayotganligi, ushbu harakatlarning oqibati qamoq bilan yakun topayotganligi misollar bilan tushuntirildi. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining pora bilan bog'liq moddalari, firibgarlik, tamagirlik, tovlamachilik hamda harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi moddalarning maz-

mun-mohiyati xususida so'z yuritildi.

Tadbir davomida FVV tomonidan olib borilayotgan profilaktik tadbirlar, yo'l qo'yilayotgan kamchiliklar, ularni bartaraf etish bo'yicha ko'rsatma va takliflar berildi.

**I.KAJANOV,  
FVV MMQB OAV bilan  
ishlash bo'yicha katta  
texnik, oddiy askar.**



## ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Олмазор тумани "Олтинсой" МФЙ кўчаларидаги объектлар ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўрганилиб, фуқароларга ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тадбир давомида ёнгин ўчириш воситалари ва уларни ишлатиш тартиби хусусида маълумотлар берилиб, эслатмалар тарқатилди.

**Авазжон ҚУРАЛОВ, Тошкент шаҳар ФВБ  
ЁХТТЭБ мутахассиси, катта сержант.**

## XAVFSIZLIK QOIDALARI

Ariston va shu singari gazli, juft elektronli qozonlarda ham nosozliklar uchrab turadi. Ular turli sabablarga ko'ra, paydo bo'lishi mumkin. Respublikamiz hududlarida foydalaniladigan suvning tarkibida NaCl (tuz)ning ko'pligi sabab ichki ehtiyot qismlarida karroziya, ya'ni yemirilish sodir bo'ladi. Bu esa o'z navbatida, elektr simlarining himoya qobig'ini shikastlab, qisqa tutashuv sodir bo'lishiga, isitish moslamasining isitish elementidagi elektr tokini suvga yo'naltirish kabi jarayonlarni keltirib chiqaradi.



digan vaqtda elektr ta'minotidan uzib qo'yish, isitish qozoni ichida joylashgan isitish elementini 6 oyda bir marotaba mutaxassisga tekshirtirib turish tavsiya etiladi.

**J.SAFAROV,  
Xonqa tumani FV bo'limi mutaxassisi, oddiy askar.**

Natijada foydalanuvchi elektr toki urishi sabab tan jarohati olishi, vafot etishi yoki yong'in kelib chiqishi mumkin.

Shu o'rinda, ariston yoki shunga o'xshash isitish moslamalaridan foydalanishda xavfsizlik qoidalariga rioya qilish, foydalanilmay-

Навоий вилояти Конимех туманидаги ихтисослаштирилган мактабда вилоят ФВБ ҳамда туман ФВ бўлими ходимлари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

## ЎҚУВЧИЛАР УЧУН



Учрашувда соҳа ходимлари томонидан ўқувчилар ва ўқитувчиларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш, бирламчи ёнгин ўчириш воситаларидан фойдаланиш, ис газидан заҳарланишдан сақланиш борасида тушунтиришлар берилди.

Тумanning чўл ҳудудларида туячилик ҳамда чорвачилик кенг ривожланганлигини эътиборга олиб, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими масъуллари томонидан Қрим-Конго

геморрагик иситма касаллигининг олдини олиш ва касалликни юқтирмаслик юзасидан тавсиялар айтилди.

Тадбир якунида ўқувчиларнинг тиббий ёрдам кўрсатиш ва бирламчи ўт ўчириш воситаларидан фойдаланиш юзасидан амалий ҳаракатлари синовдан ўтказилди.

**Р.РАҲМАТОВ,  
Навоий вилояти ФВБ  
ходими, майор.  
Н.ПАЙЗИЕВ,  
подполковник.**

Деҳқонобод туманида "Обод маҳалла" давлат дастури доирасида бир қатор амалий ишлар ўтказилмоқда.

## ТАРҒИБОТ

Жумладан, туман ҳудудида янги қурилаётган ҳамда реконструкция қилинаётган қурилиш майдонларида бунёдкорлик ишларини олиб бораётган ишчи-хизматчилар ўртасида ёнгин, ис газ ва чақнаш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар олиб борилиб, бу борада ўқув машқлари ташкил этилмоқда.

Ишчи-хизматчилар ва фуқароларнинг содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларда тўғри ҳаракат қилиш, хавфсизликни таъминлаш ишларини олиб боришга эътибор қаратилгани билан ушбу машқлар аҳамиятлидир.

**Х.АЗИЗОВ,  
Деҳқонобод тумани ФВ бўлими бошлиғи,  
подполковник.  
Ю.МЕНГЛИЕВ,  
бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.**

## ЭВАКУАЦИЯ

Фавқулодда вазиятлар юзага келганда хавфсиз эвакуацияни таъминлаш ўта муҳим ҳисобланади.

Эвакуация йўлларидаги барча эшиклар бинодан чиқиш йўналиши бўйича эркин очилиши керак. Бино ва иншоотлар ҳамда улардан чиқиш эшикларининг устки қисмида эвакуация ёзувлари ва чиқиш жойларини кўрсатувчи ёнгин хавфсизлиги белгилари ўрнатилиши лозим. Эвакуация йўлларидаги эшикларни қулфлаб қўйиш тақиқланади.

Энг муҳими, эвакуация чиқиш жойларининг сони,

уларнинг ўлчамлари, ёритиш ва тутундан ҳимояланиш таъминланганлиги, эвакуация йўлларидаги узунлиги шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидаларидаги ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши таъминлаш жоиз.

Агар мана шу каби тарғибот тадбирларида шаҳримиз ҳар бир фуқаросининг фаол иштироки таъминланса, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар самара беради, албатта.

**Х.ИКРОМОВ,  
Мирзо Улуғбек тумани  
ФВ бўлими бўлинма  
инспектори, лейтенант.**

## SAYLOV UCHASTKASIDA YONG'INNING OLDINI OLISH

Saylov komissiyasi raisi komissiya a'zolari orasidan yong'in xavfsizligi uchun mas'ul shaxslarni tayinlaydi va yong'in sodir bo'lgan taqdirda komissiya a'zolari o'rtasida vazifalarni taqsimlaydi.

Saylov uchastkasida binolarni komissiyaga topshirishdan oldin saylov uchastkasi joylashgan obyekt rahbari davlat yong'in nazorati organlarining ko'rsatmalari talablariga to'liq rioya etilishini ta'minlashi shart. Jumladan, tegishli yong'in rejimini o'rnatish, ichki yong'inga qarshi suv ta'minoti, yoritish va elektr tarmoqlarining yaroqliligini tekshirish, avtomatik yong'indan himoya qilish tizimlarini sinovdan o'tkazish, birlamchi yong'inga qarshi vositalarning mavjudligi, xizmat ko'rsatishi va foydalanishga doimiy tayyorligini ta'minlash, saylov komissiyasi raisi, saylov komissiyasi a'zolari va uchastkaga xizmat ko'rsatishga jalb qilingan xodimlar bilan birgalikda yong'in xavfsizligi choralari va yong'in sodir bo'lganda harakatlar hamda ularni uchastkaning joylashgan joyi bilan tanishtirish orqali binolar, evakuatsiya yo'llari, evakuatsiya chiqishlari, birlamchi yong'inni o'chirish vositalarining joylashuvi, telefon aloqasi vositalari va xabar berish vositalari to'g'risida ma'lumot berishi lozim.

Komissiya raisi saylov boshlanishidan oldin binolarni ko'zdan kechirishi va ularning yong'in xavfsizligi holatiga ishonch hosil qilishi shart.

Saylov uchastkalari binolari yaqinida joylashgan yong'inga qarshi gidrantlar, suv havzalari soz holatda bo'lishi, suv bilan to'ldirilgan, tegishli belgilar bilan belgilangan, qishda izolyatsiyalangan, muz va qordan tozalanagan bo'lishi kerak.

**M.FAYZULLOYEV,  
Buxoro viloyati FVB  
matbuot xizmati boshlig'i,  
kapitan.**

## ҚУРИЛИШДА МЕЪЁР

Косонсой тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар, туман ҳудудида қурилиши кўзда тутилган 33 та ер майдонлари танланишида, 12 та қурилиш лойиҳалари ва 1 та қурилиши якунланган бино ва иншоотларнинг келиши юзасидан келган мурожаат хатлари амалдаги шаҳарсозлик норма қоида-талаблари асосида ўрганилди. Лойиҳачи ва қурувчи ташкилот ходимларига тегишли таклиф ва тавсиялар берилиб, маскандаги ишчи-хизматчи ходимлар билан соҳага оид йиғилиш ва учрашувлар ташкил этиб борилмоқда.

**З.АБДУРАҲМОНОВ,  
Косонсой тумани ФВ бўлими  
бўлинма бошлиғи, капитан.**

## “YASHIL MAKON” LOYIHASI

Xorazm viloyati FVB tomonidan bahor mavsumida 85000 tup daraxt ko'chatlarini o'tqazish rejalashtirilgan bo'lib, ushbu jarayonlar shiddat bilan olib borilmoqda. Jumladan, Yangibozor tumanining “Hamdo'stlik” mahallasi hududiga 5000 tup klyon, 5000 tup yasen, 5000 tup yapon sakura, 5000 tup katalpa jami 20000 tup hamda “Navro'z” mahallasi hududiga 12000 tup terak ko'chatlari o'tqazildi.



“Yashil makon” umummilliy loyihasi doirasida ko'kalamzorlashtirish, bog' barpo etish va yana qator tadbirlar ko'zda tutilgan.

Hozirda ushbu sa'y-harakatlar joylarda davom ettirilmoqda.

**H.RUSTAMOV,**  
Xorazm viloyati  
FVB OAV va

JTBHQG boshlig'i, oddiy askar.

**J.QURBONOV,** Yangibozor umani FV bo'limi boshlig'i, kapitan.

## НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрда “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 649-қарорида Аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли турар жойлар ҳамда турли хилдаги бино ва иншоотларнинг туташ қисмида нафақат ёнғинларни келтириб чиқарувчи омилларни сақлаш ёки ташлаш, балки ноқонуний қурилмаларни ҳам қуриш қатъий ман қилиниши қайд этилган.

Мазкур ҳужжат нафақат саломатлигимиз ва мол-мулкимизни асрашга, балки фавқулодда содир бўладиган ёнғинлар туфайли ён-атрофимиздагиларга ҳам зарар етказмасликка хизмат қилмоқда. “Чоршанба – ёнғинлар профилактикаси куни” муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда бино ва иншоотларнинг оралиқларида тегишли ташкилотларнинг руҳсатисиз, ўзбошимчалик билан турли кўринишдаги ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мутлақо жавоб бермайдиган қурилмалар қуриб олганлар ҳам учраётганини айтиш лозимдир. Жойларда мана шу масала юзасидан ёнғин хавфсизлиги ходимлари тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётгани боис, жорий йилнинг ўтган ойларида ўт балоси билан боғлиқ ҳодисалар қайд этилмагани эса қувонарли ҳолатдир. Айни пайтда эса кўп қаватли уйларнинг уй бошлиқлари ва маҳаллаларнинг раислари билан

ҳамкорликда ҳудудларни ёнғинчиқиндилар, қуруқ ўтлар ва шу каби бошқа нарсалардан тозаланишига жиддий киришилган.

Шу ўринда Нукус шаҳрида яшовчи А.Г. исмли фуқаро ноқонуний қурилмаси ўзига ташвиш келтиришини уйлаб кўрмаганини ҳам қайд этиш жоиздир. У кўп қаватли турар жойга туташ ерда ноқонуний қурилма қуриб, озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган ва қўлбола истиш мосламасидан ҳам мунтазам равишда фойдаланган. Унинг ноқонуний “савдо дўкони”да ёнғин чиқиши натижасида катта миқдорда моддий зарар кўрган. Ваҳоланки, бу фуқаро ҳам ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан огоҳлантирилган эди. Шунга айтсалар керакда, “Сўнги пушаймон, ўзинга душман” деб.

**Мажид ЖУМАНАЗАРОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
ФВБ бўлинма инспектори,  
катта лейтенант.

## XAVFSIZLIK YO'LIDA

Ramazon oyi munosabati bilan fuqarolar xavfsizligini ta'minlash maqsadida Qashqadaryo viloyatida FVB, IIB, Milliy gvardiya hamda boshqa tegishli xizmatlar hamkorligida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlar va boshqa noxushliklarning oldini olish maqsadida obyekt rahbarlari, ishchi-xizmatchilari bilan profilaktik tadbirlar olib borilmoqda.



Ushbu manzillarda xavfsizlikni ta'minlash yuzasidan hamkor xizmatlar bilan birgalikda tunggi navbatchilik ham tashkil etilgan.

Tadbirlar davomida maskan ishchi-xizmatchilariga favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakatlanish yuzasidan zarur tavsiyalar berilmoqda.

**Ulug'bek JUMANOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB  
matbuot xizmati xodimi.

## МАҲАЛЛАДА ТАДБИР

Тошкент шаҳар Олмазор тумани “Қўштут” МФЙ аҳолиси иштирокида ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш тадбирлари юзасидан учрашув ташкил қилинди.

Учрашув давомида табиий ва техноген офатлар, уларнинг юзага келиш

сабаблари, юзага келганда тўғри ҳаракатланиш, кутқарув ишларини амалга ошириш юзасидан маълумотлар берилиб, кўргазмали материаллар тарқатилди.

Тадбир якунида иштирокчиларнинг саволларига мутахассислар томонидан атрафлича жавоб берилди.

**Ғайрат РЎЗИБОЕВ,**  
Тошкент шаҳар ФВБ ЁХТТЭБ  
мутахассиси, оддий аскар.

Наманган вилояти ФВБ томонидан “2023 йилда сел-тошқин ва ер кўчкиси ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда бу борада амалга оширилаётган тадбирлар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Тадбирда тоғ ва тоғ олди, дарё ва сойларнинг минтақа қирғоқ ҳудудларида яшовчи аҳолини содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда эвакуация қилиш, шунингдек, дарё ва сойларда сел-тошқин натижасида емирилган қирғоқ минтақа зоналарида олиб борилаётган қирғоқ мустаҳкамлаш ишлари хусусида маълумот берилди.

Жумладан, Учкўрғон ва Уйчи туманлари ҳудудла-

ридан оқиб ўтадиган Норин дарёсида, Чортоқ туманида эса ҳудуддан оқиб ўтувчи сойларда олиб борилаётган ўзан тозалаш



ҳамда қирғоқ мустаҳкамлаш ишлари ҳақида фикр юритилди.

Анжуман якунида ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоб олишди.

**Қаҳрамон САТТОРОВ,**  
Наманган вилояти  
ФВБ ОАВваЖТБХҚГ  
бошлиғи, капитан.

## ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда ўтказилаётган турли тадбирларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидалари тушунтирилмоқда. Очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ҳамда газ асбобларини доимо соз тутиш, қўлбола тайёрланган асбоблардан фойдаланмаслик, белгиланган жойларда чекиш зарурлиги эслатилмоқда. Ушбу қоидаларга риоя қилиб борилса, йиллаб тўпланган мол-мулк ва уй-жой, ҳар бир фуқаро ўзи ва яқинларининг ҳаётини ҳам асраб қолган бўлади. Болаларга тўғри тарбия бериб, Ватанимизга содиқ, ҳар томонлама етуқ инсон бўлиб камол топишига ҳисса қўшиш ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Шундай экан, ҳамиша фарзандларимиздан насиҳатимизни, ҳаёт учун керакли сабоқларимизни аямаслигимиз керак. Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини истамайди, албатта. Ёнғин бир неча сонияда инсонларни мол-мулкдан, яқинларидан ҳам ажратиб юборадиган даҳшатли офатдир. Содиқ бўладиган ёнғинлар неча-неча инсонларнинг ҳаётларига зомин бўлмоқда. Бу эса бепарволик, ёнғин хавфсизлигига риоя этмаслик оқибатида рўй бериши мумкин. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида барчани доимо ҳушёрликка, огоҳликка чақирамиз.

**Б.АБДИРОВ,**  
Тахياتош ИЭС филиали  
БЁХТТЭБ инспектори, капитан.

Боғот туман ФВ бўлими ходимлари томонидан “Ашхобод” маҳалласида амалга оширилаётган қурилиш ишлари текширилди.

## БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида “HOUSE CONSTRUCT” МЧЖ, “Боғот Ипотека қурилиш” МЧЖ ва “Сухроб Отамурод” хусусий корхоналари томонидан қурилаётган 8 қаватли кўп хонадонли турар жойларда вақтинча тортилган очиқ ҳимоя лента билан ҳимояланмаганлиги, электр симлар, носоз электр ва газ пайвандлаш ускуналари, қўлбола электр плиталардан фойдаланилаётганлиги ҳамда қурилиш объектини бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар аниқланди.

Бу ҳам етмагандек, айрим хусусий тадбиркорлар томонидан қурилаётган қурилиш масканларида ҳеч қандай мутахассислиги бўлмаган электр ҳамда газ пайвандчилари ишламоқда. Боз устига, улар ёнғин ва техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилмаган ва бу ҳақда рўйхатларда қайд этилмаган.

Аслида, барча қурилиш ишлари қонуний равишда, лойиҳа асосида бўлмоғи керак. Лекин афсуски, фуқароларимиз ноқонуний қурилишларга ҳам маблағ сарфлаб юборяптилар. Масалан, кўп қаватли уйлар ёнларига, мактаб, боғча ёки шифохона атрафларига, маҳала гузарларига савдо ишлари қилиш ниятида кичик-кичик дўкончалар қуриб олишмоқда. Ўзбошимчалик билан пайнет, гўшт дўкон, сартарошхона, сомсахона кабиларни қуриб олмоқдалар.

Ана шундай ноқонуний ҳолатлар юзага келмаслиги учун бўлим ходимлари томонидан туманда янгидан қурилаётган давлат тасарруфидаги ва хусусий тадбиркорларга қарашли объектларда қурувчиларга меъёр талаблари ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғрисида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**Д.НУРМЕТОВ,**  
Боғот тумани ФВ бўлими бўлинма  
ходими, капитан.

## ХАЛОСКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Биз – бир гуруҳ бўлажак ҳарбий журналистлар ФВВ Махсус вазифалар бўйича республика қутқарув марказига бордик.

Киришимиз билан ҳовлида машғул ўтаётган қутқарувчилар жамоасига кўзимиз тушди. Улар палаткалар ёрдамида чодир яшаш, арқон ёрдамида қутқарув ишларини амалга оширишни машқ қилаётган эканлар.

Қутқарувчилар ва талабалар ўзаро танишиб, қизгин суҳбат курдик. Учрашув давомида махсус техника ҳамда автомобиллар билан танишиб чиқдик. Айниқса, “Исузу” ва “МАН” русумли авария-қутқарув машиналари бизда жуда катта таассурот қолдирди. Улар замонавий талаблар даражасида жиҳозланган бўлиб, қутқарувчилар учун қулай шароит яратилган.

Кейин эса биродар Туркия давлатида юзага келган талафотли зилзила оқибатларини бартараф қилишга сафарбар этилган қутқарувчилар жамоаси билан танишиб, мулоқотда бўлдик. Қутқарувчиларнинг ҳаётий ҳикоялари, уларнинг офат оқибатларини бартараф этиш, инсонларни вайроналар остидан олиб чиқишдаги матонат ва жасорати бизни лол қолдирди, тўғриси. Айниқса, “Зара”

лақабли қутқарув итининг халоскорлар сафида туриб, кўрсатган матонат, сезgirlлиги, чаққонлиги тадбир иштирокчиларини ҳайратга солди.

Заранинг 6 нафар ярадор ва 70 нафардан ортиқ ҳалок бўлган инсонларни топишда яқиндан ёрдам берганлиги таҳсинга лойиқ, албатта.

Тадбир якунида Зара ва унга бириктирилган қутқарувчи иштирокида қизиқарли чиқишлар намойиш этишди. Улар ўзаро бир-бирини тушунган ҳолда, бир бутун бўлиб ҳаракат қилиши ибрат олса арзиғулик жиҳатлардан эди.

Экскурсия бизда катта таассурот қолдирди. Хулоса шуки, ёнғин-қутқарувчилик ғоят шарафли ва шу билан бир қаторда ғоят машаққатли касб. Биз бунга соҳа вакилларининг хизмат фаолияти билан яқиндан танишгандан сўнг яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Ўз навбатида, матонатли ва жасоратли қутқарувчи акаларимизга масъулиятли вазифаларида мустақам саломатлик, фаолиятларида омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

**Нилуфар АЛИЕВА,**  
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика  
йўналиши 3-босқич талабаси.

Жиззах вилояти Дўстлик тумани ФВ бўлими томонидан 1-умумтаълим мактабида ўқувчилар учун кўр-газмали машғул ташкил этилди.

## ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

“Қутқарувчи ва ёшлар” мавзусидаги учрашув доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда замонавий ёнғин-қутқарув техникаларининг имкониятлари, махсус қутқарув анжомлари ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятларга сабаб бўлувчи омиллар ҳамда улардан ҳимояланиш тартиби тушунтирилди.

Ўқувчи-ёшлар ФВВ Академияси ва “Темурбеклар мактаби” ҲАЛга ўқишга кириш тартиби тўғрисидаги маълумотларни катта қизиқиш билан тинглашди. Самимий суҳбат давомида ёшлар махсус қутқарув техникалари ҳамда асбоб-анжомлари билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Мунир ЖУМАНОВ,**  
Дўстлик тумани ФВ бўлими  
бошлиғи, майор.

**Ифтихор УМАРОВ,**  
Жиззах вилояти ФВБ  
ахборот хизмати раҳбари,  
катта лейтенант.



# Vaziyat

газетаси

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқулодда**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУЙОНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
**М. САНАЕВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун – 382

Газета  
“BUSINESS PRINT DESIGN”  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 6750 нусха

## EL ARDOG'IDAGI SHOIR

Muhammad Yusuf adabiyotimizga chaqnaб kirib kelgan, qisqa vaqt ichida eng yosh “O‘zbekiston xalq shoiri” sifatida tanilgan xalq shoiri edi. Bevaqt o‘lim adabiyotimiz gulshanida barq urib ochilib, yashnab turgan bir chechakni uzdi-yu ketdi. Uning xalqona ohanglardagi misralari o‘zbekning chin ma‘nodagi ma‘naviy mulkiga aylandi.



Agar Muhammad Yusuf she‘rlarini jamlab, bir nom bilan umumlashtirsa, uni “O‘zbek xalqiga qasida” deb atash mumkin bo‘lar edi. Chunki har bir she‘r misrasi ortida o‘zbek, uning dardi, quvonchi, tashvishi, mehri, orzu-umidlari, qo‘yingki, butun hayoti gavdalanadi.

Shoir O‘zbekiston atalmish yurt farzandi ekanligidan cheksiz g‘ururlanardi.

U millatning chinakkam fidoyi farzandi edi. Mehr va samimiyat bilan “Muhammad Yusufman O‘zbekistondan”

deya o‘zbekligidan faxrlanar, boshqalarni ham shunga undar edi.

Aziz Vatanimiz va xalqimizning armonli ohiga aylangan Mirzo Ulug‘bek, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi zotlarning qismati, Amir Temur, Alisher Navoiy kabi siymolar taqdiri shoir qalamidan she‘r bo‘lib emas, hasrat bo‘lib to‘kiladi.

Xalqni ozod ko‘rish istagida shahid ketganlarning bezovta ruhlari shoirni qiynaydi. Shuning uchun bo‘lsa kerak, qatag‘onlik davrining jirkanch manzaralari

va bevaqt xazon bo‘lgan vatandosh ma‘rifatparvar ajdodlarimiz ruhini shod etish maqsadida jo‘shib yozardi.

Muhammad Yusuf she‘rlari orqali nafaqat o‘zini, balki qancha-qancha hofizlarni, xonandalarni elga tanitdi. Shoirning har bir so‘zi she‘r edi. U inson qalbining tub-tubidagi dardini topib yoza olardi. Shoirning yuragi xalq yuragi bilan hamohang urardi va barcha mavzularda: muhabbat, Vatan, ona, shaharlar madhiyasi, tarixiy shaxslar, tabiatga bag‘ishlab ijod qilardi. Hatto “Peshonasi yo‘q qizg‘aldoq...” dan tortib “Ko‘zi to‘la yosh jayron” gacha barcha-barchani sevardi.

Vatanni har kim o‘zicha suyadi, o‘zicha ardoqlaydi. Muhammad Yusuf O‘zbekistonni alohida bir mehr bilan alqaydi.

Xalq uchun, Vatan uchun, mustaqillik uchun yonib yozardi. Uning “O‘zbekiston” she‘rini bir eslang-a. Qanday go‘zal, jozibali, kuchli qo‘shiq bo‘ldi.

Hatto yoshlar madhiyasiga aylanib ketdi. Shunday she‘rni bitgan shoir o‘lishi mumkinmi? Yo‘q, also! U hamisha tirik. U biz bilan.

Vatan haqida juda ko‘p yozilgan, biroq yozmoq bilan yozmoqning farqi bor.

Muhammad Yusuf bir she‘rida “Yurtim, seni iddaolar qilmay sevaman” deb aytganida qanchalar haq edi. Darhaqiqat, u o‘z elini, xalqi, Vatani beg‘araz, sidqidildan yaxshi ko‘rar edi. Shu mehriyat natijasi o‘laroq, uning she‘riyat ham xuddi shunday beminnat va beg‘araz she‘riyat sifatida maydonga keldi.

**Dilnoza MADRAHIMOVA,**  
Qashqadaryo viloyati  
Dehqonobod tumani 69-IDUM ona tili  
va adabiyoti fani o‘qituvchisi,  
Xalq ta‘limi a‘lochisi.  
**Farangiz ODINAYEVA,**  
to‘garak a‘zosi.